

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.QX. 13.04
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВ ЗОКИР ИКРОМЖОНОВИЧ

**КАВАР (*CAPPARIS SPINOSA*) ЎСИМЛИГИНИ МАДАНИЙ
ҲОЛДА ЕТИШТИРИШ ВА МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.06 – Сабзавотчилик

06.01.11-Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2023

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Абдуллаев Зокир Икромжонович

Кавар (*Capparis spinosa*) ўсимлигини маданий ҳолда етиштириш ва
маҳсулотларини қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

Абдуллаев Зокир Икромжонович

Культивирование растений каперсы (*Capparis spinosa*) и разработки
технологии по переработке продукции..... 19

Abdullaev Zokir Ikromjonovich

Development of the technology of cultivation and processing of the capers
plant (*Capparis spinosa*)..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx. 13.04
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВ ЗОКИР ИКРОМЖОНОВИЧ

**КАВАР (CAPPARIS SPINOSA) ЎСИМЛИГИНИ МАДАНИЙ ҲОЛДА
ЕТИШТИРИШ ВА МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.06 – Сабзавотчилик

06.01.11-Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Qx412 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Асатов Шухрат Исмаилович,
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Эгамбердиев Нуман Бобоевич,
техника фанлари доктори, профессор.

Хуррамов Улугбек Холмаматович,
кишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори (PhD).

Ётақчи ташкилот:

**Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик
илмий тадқиқот институти.**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 10 феврал соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100164, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети маъмурий биноси, 1-кават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№547502-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100164, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2023 йил 28.01 куни тарқатилди.
(2022 йил 16 декабр 12-рақамли реестр баённомаси).



Э.Т. Бердиев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.

М.В. Холмуротов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.ф.д. (PhD), доцент.

С.А. Юнусов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор.

Кириш, (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси).

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти. Бугунги кунда Кавар (*Capparis spinosa*. L) ўсимлиги Франция, Испания, Италия, Хитой, Туркия, Эрон, Грузия, Озарбайжон, Америка қўшма штатлари, Мексика, Аргентина, Марокаш ҳамда Миср давлатларида ёввойи турлари ва маданий навлари кичик майдонларда ўстирилиб, улардан тузли консерва маҳсулотлари тайёрланади. “Дунё бўйича кавар мевасини етиштириш йилига ўртача ҳисобда 15-20 минг тоннани ташкил этиб, 60 дан ортиқ мамлакатларда қайта ишланиб, консерва маҳсулотлари тайёрланади. 2019-2020 йилда дунё бўйича 5 минг гектар майдонда кавар ўсимлигининг тур ва навлари сабзаёт экин сифатида етиштирилиб, унинг ўртача ҳосилдорлиги 30-40 ц/га ни ташкил этиши ҳамда ушбу ўсимлик маҳсулотларини Хитой мамлакати дунё давлатларига 865.7 млн долларга экспорт қилиши эътироф этилган.”¹ Шу сабабли кавар ўсимлигининг маданий экинзорларини ташкил этиш ва маҳсулотларини қайта ишлаш технологиясини тадқиқ қилиш ва илмий асослаш долзарб ҳисобланади.

Дунёда кавар ўсимлигини маданий ҳолда етиштириш, агро-биологик хусусиятларини ўрганиш ва уруғларининг унувчанлигини ошириш бўйича кўплаб ишланмалар ишлаб чиқилган. Ушбу тадқиқотларда ғунча ва меваларини қайта ишлашда сирка кислотасининг юқори меъёрлари қўлланилган ҳамда уруғларни унувчанлигини оширишда турли минерал кислоталардан фойдаланилган. Айниқса, Эрон, Аргентина, Тунис, Марокаш, Италия олимлари томонидан маданий экинзорлар ташкил этиш ва маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича бир қатор ютуқларга эришилган. Жумладан, ғунчаси ва мевасидан тузламалар, кондитер маҳсулотлари тайёрлаш технологиялари, уруғларга нитрат ва сульфат кислоталарнинг турли меъёрлари билан ишлаш каби бир қатор усуллар илмий асосланган.

Ҳозирги пайтда кавар (*Capparis spinosa* L.) ўсимлиги Республикамизнинг деярли барча вилоятларида табиатда ёввойи ҳолда ўсади. Ушбу ўсимликнинг ғунчалари хусусий тадбиркорлар томонидан ярим тайёр маҳсулот ҳолатида чет давлатларга, асосан, Туркияга давлатига экспорт қилинади. Ушбу ўсимликни маданий ҳолда экинзорларини ташкил этиш ва маҳсулотларидан турли консерва маҳсулотлари тайёрлаш технологиялари илмий асосда кам ўрганилган. Шу нуқтаи назарда қишлоқ хўжалигини инновацион технологиялар асосида ривожлантириш саноатда янги тур маҳсулотлар тайёрлаш ва экспортга йўналтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармонида “Қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева – сабзаётчиликни ривожлантириш, мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солган ҳолда маҳаллий саноат тармоқлари экспорт салоҳиятини янада

¹ <https://www.tridge.com/intelligences/caper/export>

ривожлантириш”² каби бир қатор устувор вазифалар белгилаб берилган. Кавар ўсимлигини маданий ҳолда етиштириш, ғунча ва техник етилган меваларидан консерва маҳсулоти тайёрлаш ҳисобига саноат корхоналарини экспорт салоҳиятини ошириш юқоридаги вазифа ижросини таъминлашдаги муҳим жараёнлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 майдаги ПФ-139-сон “Доривор ўсимликлар хомашё базасидан самарали фойдаланиш, қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш орқали қўшимча қиймат занжирини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони, 2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ-20-сон “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2022 йил 20 майдаги ПҚ-251-сон “Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ/4668-сон “Ўзбекистон Республикасида халқ табобатини ривожлантиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида” ги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устивор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тараққиётида кавар (*Capparis spinosa*) ўсимлигини агро-биологик хусусиятларини ўрганиш ва уруғларининг тиним даврини қисқартириш ва маданий ҳолда етиштириш бўйича бир қатор илмий ва амалий натижалар баён қилинган. Жумладан, Италияда Silvio F., Adriana B., Raffaella D.C., Эрон ислом Республикасида Labbafi M.R., Mehrafarin A., Nabavi S.F., Туркияда Muharrem G., Gursel U., Naghdi B.H., Arefi I.H., Хитойда Jiang H.Y., Li X., Мисрда Alyemani N.M., Ramazani M., Марокашда Taghvaei M., Masoudi M., Riahi A., Behbahani N. лар томонидан кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилган ҳамда муайян натижаларга эришилган.

Республикамиз турли иқлим шароитларида ўсувчи кавар (*Capparis spinosa*) ўсимлигини биологик хусусиятлари, маданий ҳолда етиштириш ва маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича Зокиров Қ.З., Саҳобиддинов С.С., Мерганов А.Т., Додаев Қ.О., Турсунхожаев Ф.М., Асилбекова Д.Т., Эшонқулова Н.Т., Каримов И.Р., Ҳолиқова Н.Б, Бўстонов З.Т. лар бир қатор илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар. Бироқ Ўзбекистон шароитида кавар ўсимлигини маданий ҳолда етиштириш учун махсус экинзорлар

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сонли Фармони. Тошкент. 28.01.2022 йил.

ташқил этиш, ғунча ва техник етилган меваларидан маринадли консерва маҳсулотлари тайёрлаш усуллари ва технологияси бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан молиялаштирилган БВ-А.Қх.2018-423-сон “Кавар (*Capparis spinosa*) ўсимлигини маданий ҳолда дашт ерларда ўстириш ва маҳсулотларини қайта ишлаш технологиясини татбиқ этиш” (2018-2020 й.) ва Т-2021-168-сон “Кавар ўсимлигини маданий ҳолда дашт ерларда ўстириш ва маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси” мавзуларидаги илмий-амалий лойиҳалар асосида бажарилган (2021-2022 й.).

Тадқиқотнинг мақсади. Кавар (*Capparis spinosa*) ўсимлигини маданий ҳолда етиштириш ва маҳсулотларини қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

кавар ўсимлигини уруғларини унувчанлигига ва ўсиб ривожланишига ўстирувчи модда турларини мақбул меъёрларини ишлаб чиқиш;

кавар ғунча ва техник етилган меваларини қайта ишлашда уларни сифат кўрсаткичларини яхшилашнинг технологик тадбирларини ишлаб чиқиш;

кавар ғунчалари ва мевасидан маринадланган консерва маҳсулоти тайёрлашни технологик схемасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Наманган муҳандислик-технология институти “Кимё” лабораторияси, кавар ўсимлигининг *capparis spinosa* ва *capparis rosanoviana* турларининг навдор элита уруғлари, ўстирувчи ИМК, ИУК, Ретсупер моддаларини 25 мг/л, 50 мг/л, 100 мг/л ли ишчи эритмалари, *Capparis spinosa* ва *Capparis rosanoviana* турларининг ғунчалари ва техник етилган мевалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети кавар ўсимлигининг *Capparis spinosa* ва *Capparis rosanoviana* турларининг агробиологик хусусиятлари, уруғларининг унувчанлиги, ўсиш ва ривожланиш фазаларига ўстирувчи моддаларнинг таъсири, ўсимлик ғунча ва меваларини аллорометрик ва индексация даражаларига таъсир этувчи омиллар, ўтказилган агротехник тадбирларни кавар ўсимлиги ҳосилдорлиги ва товарбоплик даражаларига таъсири, етиштирилган ҳосилдан маринадли консерва маҳсулотлари тайёрлаш технологияси ҳамда кавар ўсимлигини маданий ҳолда етиштириш, маҳсулотларидан маринадли консерва маҳсулоти тайёрлашни иқтисодий кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқот услублари. Дала ва лаборатория тажрибалари, кавар ўсимлигининг агробиологик хусусиятлари, уруғларни экишга тайёрлаш, экиш схемалари ва етиштириш агротехникасини ўрганиш учун фенологик кузатув, ўсимлик намуналарини олиш Б.Ж.Азимов, Б.Б.Азимовнинг “Сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачиликда тажрибалар ўтказиш

методикаси”, В.Ф.Белик “Методика опытного дела в овощеводстве и бахчеводстве”, усуллари, кавар ўсимлиги меваларининг кимёвий хусусиятлари ва аҳамиятини ўрганиш, маҳсулотларини қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш Е.П.Широков “Практикум по технологии хранения и переработки плодов и овощей”, В.В.Полевого “Методы биохимического анализа растений” усуллари ёрдамида ҳамда Ts (тармоқ стандарти) нинг меъёрий ҳужжатлари № Ts 18419308-001:2021; ТИ (техник йўриқнома 203948386-01:2020) асосида, тажрибаларда олинган натижаларнинг статистик таҳлилари Microsoft Excel компьютер ёрдамида Б.А.Доспехов, Г.Ф.Лакин ва Б.Ж.Азимов услубларида математик-статистик таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўсимликни поя ва илдиз қисмларининг цитологик тузилиши ўрганилиб, хужайрани танлаб ўтказувчанлик хусусиятлари илмий асосланган;

кавар (*Capparis spinosa*) ўсимлигининг уруғларини ундириш учун ўстирувчи ИМК, ИУК ва Ретсупер моддаларининг мақбул меъёрлари ишлаб чиқилиб, ИМК ўстирувчи моддасининг 100 мг/л меъёрлари билан 72 соат давомида ишлов берилган уруғлар 80-85 % гача униши аниқланган;

кавар уруғларини эртаги ва кечки муддатларда маданий ҳолда 90x40 см схемада етиштириш энг мақбул эканлиги исботланган;

кавар ғунчасидан маринадли консерва маҳсулоти тайёрлашда ғунча ва техник етилган мевалари 10-15 % ли тузли эритмада 5-6 кун тўйинтирилиб, бир фоизли адсорб хусусиятга эга бўлган активланган қўмир аралашмасида 24 соат сақланиб, маҳсулот таркибидаги аччиқ таъм ва нохуш ҳидларни йўқотилиб, тайёр маҳсулот сифати оширишга эришилган;

каварнинг ғунча ва техник етилган мевасидан консерва маҳсулотлари тайёрлаш учун ТУ (техник шарт), ТИ (техник йўриқнома) ва Ts (тармоқ стандарти) ҳамда қайта ишлаш усуллари, рецептлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Кавар (*Capparis spinosa*) ўсимлигини маданий ҳолда етиштириш учун маҳсус экинзорлар ташкил этиш ва уларни парваришлаш усуллари ишлаб чиқилиб, фермер хўжаликларига татбиқ этилган;

Кавар ўсимлиги уруғларини унувчанлигини оширишда ўстирувчи моддалардан ИМК, ИУК ва Ретсуперларни қўллаш ҳисобига унувчанлик даражасини 35-50 % гача оширишга эришилган;

Каварнинг ғунча ва техник етилган меваларидан консерва турларини ишлаб чиқиш бўйича ТУ (техник шарт), ТИ (техник йўриқнома) ва Ts (тармоқ стандарти) лари ишлаб чиқилиб, саноатда синовдан ўтказилган;

Кавар (*Capparis spinosa*) ўсимлигининг техник етилган меваси ва ғунчасидан 1.0 тонна маринадли консерва тайёрлаш учун жами харажат 34,3 млн.сўм ни, маҳсулотни таннархи 34,3 минг сўмни ташкил этиб, соф даромад эса 15,7 млн. сўмни, рентабеллик даражаси эса 45,7 % ни ташкил этиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Наманган муҳандислик-технология институтининг илмий-тадқиқот диагностика марказида

Ўтказилган лаборатория таҳлиллари ва дала тажрибаларининг ҳар йили институт ва Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ташкил этилган апробация кўригидан ўтказилганлиги, илмий тадқиқот ҳисоботларининг “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси” кафедраси, факультет ва институт услубий-илмий кенгаши ва “Инновацион ривожланиш вазирлиги” да муҳокама этилганлиги; олинган натижалар маълумотлари статистик таҳлил қилинганлиги ва натижаларни ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги ва унинг 2021 йилда тижоратлаштирилганлиги; тадқиқот натижалари асосида тайёрланган маҳсулотлар Республика ва хорижий мамлакатларда ўтказилган илмий амалий конференциялар; Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ташкил этилган кўرғазмаларда муҳокама қилинганлиги, бунинг учун махсус сертификатлар билан тақдирланганлиги, мазкур диссертация ишининг ишончилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кавар ўсимлигини маданий ҳолда етиштириш учун экинзорлар ташкил этиш ва техник этилган мева ва ғунчаларидан маринадли консерва маҳсулотлари тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқилганлиги, шу жумладан, уруғларни экишга тайёрлашда ўстирувчи моддалар меъёрларининг таъсири, ўсимликнинг сувда эриган моддаларни танлаб ўтказиш хусусиятларини ўрганишда поя ва илдиз қисмларини цитологик тузилишларининг аниқланганлиги, мевасидан маринадли консервалар тайёрлаш усуллари ва технологиясининг илмий асосда ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти кавар ўсимлиги экинзорларини ташкил этишда уруғларни экишга тайёрлаш, экиш муддатлари, схемалари ва агротехник тадбирлари жорий этилганлиги, кавар мева ва ғунчасидан маринадли консерва маҳсулотларини тайёрлашда мевалар етилиш босқичларининг аниқланганлиги, маринадли консерва маҳсулотлари тайёрлашда тузли эритма концентрацияларини ва рецептларининг ишлаб чиқилганлиги, саноатда экспортбоп янги тур маҳсулотлар тайёрлашга эришилиши, маҳсулотни қайта ишлаш технологияси бўйича Ts 18419308-001:2021; (тармоқ стандартлари) ишлаб чиқилганлиги ва саноатга кенг жорий этилганлиги, Интеллектуал мулк агентлигидан “Кавар (*Capparis spinosa*) ғунчасидан консерва маҳсулоти тайёрлаш усули” учун (№FAP01950) патент олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Кавар (*Capparis spinosa*) ўсимлигини маданий ҳолда етиштириш ва маҳсулотларини қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида:

Республикамиздаги доривор ўсимликлар етиштириш билан шуғулланувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари учун “Тиканли ковул (*Capparis spinosa.L*) ўсимлик плантациясини ташкил этиш” бўйича тавсиянома тасдиқланган (Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2022 йил 19 апрелдаги 04/21-1964 сонли маълумотномаси). Ушбу тавсиянома

республикамизнинг бир қатор вилоятлари фермер хўжаликларида кавар етиштиришда ва қайта ишлаш саноат корхоналарида, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш субъектларида илмий ва амалий манба бўлиб хизмат қилмоқда;

Кавар ўсимлигини маданий ҳолда етиштириш технологияси Андижон вилоят Андижон давлат ўрмон хўжалигининг Тошоҳур ўрмончилик бўлимида 6 гектар майдонга жорий этилган (Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2022 йил 19 апрелдаги 04/21-1964 сонли маълумотномаси). Натижада, ушбу ўсимликни маданий ҳолда етиштириш ҳисобига гектаридан 17,0 т/га маҳсулот етиштирилган. Етиштиришда турли агротехнологияларни қўллаш ҳисобига етиштирилган ҳосилнинг товарбоплик даражаси 85-92 фоизгача бўлиши ёки маҳсулотнинг товарбоплик кўрсаткичи табиий ҳолда ўсувчи экинзорларда етиштирилган ҳосилга нисбатан 30-35 фоизга юқори бўлган. Бир гектар майдондан 1,1 тонна ғунча етиштирилиб, соф даромад 1,2 млн. сўмни, рентабеллик даражаси эса 14,8% ни ташкил этган. Техник этилган мева етиштириш бўйича бир гектар майдондан 16,6 тоннагача ҳосил етиштирилиб, ундан товарбоплик хусусиятига эга маҳсулот тайёрлаш учун фойдаланилди, бунинг учун 68,0 млн сўм сарф этилган бўлиб, соф даромад 15,0 млн. сўмни, рентабеллик даражаси 22,1% ни ташкил этган.

Кавар ўсимлигини маданий ҳолда етиштириш технологияси Наманган вилояти Косонсой давлат ўрмон хўжалигининг Қоратоғ бўлимида 4 га майдонга жорий этилган ҳамда ушбу ўсимликни маданий ҳолда етиштириш ҳисобига гектаридан 150-160 ц/га маҳсулот олинган ва Чортоқ шаҳар “Биллур Аркон” МЧЖда қайта ишлашга жорий этилган (Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2022 йил 19 апрелдаги 04/21-1964 сонли маълумотномаси). Натижада, етиштирилган ҳосилдан икки турдаги консерва маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Тавсия этилган технологияга асосан бир тонна кавар ўсимлиги ғунчасидан тайёрланган консерва маҳсулот ҳисобига 15,7 млн сўм; мевасидан тайёрланган консерва маҳсулотидан 11,5 млн сўм соф даромад олишга эришилиб, 62,1% рентабелликка эришилган.

Тадқиқот натижасининг апробацияси. Лаборатория ва дала тажрибаларининг ҳар йили апробация кўригидан ўтказилганлиги; илмий-тадқиқот ҳисоботлари муҳокама этилганлиги, олиб борилган илмий тадқиқот натижалари 9 та илмий амалий анжуман, шу жумладан, 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижасининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, ОАК тасарруфидаги журналларда 4 та, жумладан, 1 та хорижий, илмий-амалий конференцияларда 9 та мақола (жумладан, 2 таси халқаро) чоп этилган, 2 та монография, 1 та тавсиянома нашр этирилган ҳамда фойдали модел бўйича Республика Интеллектуал Мулк Агентлиги томонидан №FAP 01950 сонли патент олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация ҳажми 118 бет бўлиб, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзу ва олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ҳамда муҳимлиги илмий асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари баён этилган. Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологияси ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги ифодаланган, хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **кавар (*Capparis spinosa*) ўсимлигини агробиологик хусусиятлари, етиштириш усуллари, мевасининг кимёвий таркиби ва қайта ишлаш технологияси (адабиётлар шарҳи)** деб номланган биринчи бобида кавар ўсимлигининг агробиологик хусусиятлари, ўсимликни дунё бўйича тарқалиш ареаллари, республикамизда тарқалган турлари, систематикаси, ўсиш шароитлари тўғрисида хориж ва маҳаллий адабиётлар маълумотлари таҳлил қилинган. Адабиёт манбаи маълумотлари кавар ўсимлигини маданий ҳолда етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш ҳамда маҳсулотларини қайта ишлаш технологиялари юзасидан адабиётлар маълумотлари келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароити, услуби ва объекти”** деб номланган иккинчи бобининг биринчи бўлими тадқиқот ўтказиш жойи ва тупроқ-иқлим шароити деб номланиб, тажрибалар олиб борилган жойнинг тупроқ иқлим шароитлари тавсифлари, ўтказиш шароитлари, объекти ва услублари келтирилган. Ушбу бобнинг **“Тадқиқот объекти, предмети ва услублари”** бўлимида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан ҳар бир алоҳида тажрибанинг ўтказилиш услублари, дала тажрибалари ва лаборатория таҳлилларини олиб бориш схемалари, тажрибаларда қўлланилган кузатувлар ва ҳисоблар, лаборатория таҳлиллари, шунингдек, тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг **“тадқиқот натижалари”** деб номланган учинчи бобининг биринчи бўлими **“Кавар ўсимлик турларини агробиологик хусусиятлари ва цитологик тузилиши”** деб номланиб, ушбу бўлимда ўсимликнинг республикамизда учрайдиган икки тури ўзаро таққосланиб уларнинг агро биологик ҳамда цитологик хусусиятлари ўзаро таққосланган.

Ўтказилган тажриба натижаларнинг қиёсий таҳлилига кўра, *Capparis spinosa* ва табиий ҳолда ўсувчи *Capparis rosanoviana* турлари орасидаги морфологик, агро биологик фарқ белгилари кузатилди. Бунда *Capparis spinosa* туридаги асосий шохлар узунлиги назорат вариантга нисбатан 130-150 см узун, барглари йирик, ассимиляцион барг сатҳи 22000 см² ни ташкил этади. Мевалар сони эса тажриба вариантдаги 6 ёшли ўсимликда 35-40 дона бўлиб, табиий ҳолда ўсадиган *Capparis rosanoviana* турига нисбатан 5-10

донага кўплиги аниқланди. Шунингдек, 1000 дона уруғни оғирлиги *Capparis spinosa* турида 7.6-7.9, *Capparis rosanoviana* турида эса 4,8-5,1 граммни ташкил этиши кузатилди (1-жадвалга қаранг)

1-жадвал

Наманган вилояти тупроқ ва иқлим шароитларида ўсадиган кавар ўсимлиги турларининг морфологик кўрсаткичлари бўйича қиёсий таҳлил (2019-2021 йй.).

| Морфологик кўрсаткичлар | <i>Capparis spinosa</i> тури | <i>Capparis rosanoviana</i> тури |
|---|------------------------------|----------------------------------|
| Асосий поя, дона | 8-10 | 12-14 |
| Асосий поя узунлиги, см | 130-150 | 70-80 |
| Ён поялар, дона | 15-20 | 3-4 |
| Ён поя узунлиги, см | 40-50 | 15-20 |
| Поя қалинлиги, мм | 10-12 | 8-10 |
| Пояда барглари сони, дона | 40-50 | 30-35 |
| Барг ҳажми, см ² | 22000 | 14000 |
| Бир туп ўсимликдаги мева сони, дона ҳисобида: | | |
| 3-4 ёшли ўсимликда | 25-30 | 17-22 |
| 5-6 ёшли ўсимликда | 35-40 | 30-35 |
| 8-10 ёшли ўсимликда | 55-60 | 10-15 |
| Бир дона мева оғирлиги, гр | 15-20 | 10-15 |
| Мевасининг шакли | чўзинчоқ-юмалок | чўзинчоқ-майда |
| Бир дона мевадаги уруғлар сони, дона | 150-180 | 120-160 |
| 1000 дона уруғнинг оғирлиги, гр | 7,6-7,9 | 4,8-5,1 |

Ўтказилган тадқиқотда кавар ўсимлигининг *Capparis spinosa* ҳамда табиий ҳолда ўсувчи *Capparis rosanovia* турларини морфо-биологик ва анатомик тузилиши қиёсий ўрганилди. Кавар ўсимлигининг пояси ва илдиз қисмларининг цитологик тузилишини ўрганиш таҳлилларга кўра, ўсимлик ҳужайраси кўп йиллик ўсимликлар каби протоплазмадан яъни ядро ёки нуклеоплазма ҳамда цитоплазмадан иборат эканлиги аниқланди. *Capparis spinosa* тури пояси ва ён шоҳлари оч яшил рангда, қисқа тукчалар билан қопланганлиги, поясида жуфт-жуфт тиканлар бўлиши, унинг узунлиги 0,5 см дан ошмаслиги, икки тикан оралиғида барг ва иккинчи-тартиб шоҳлар чиқариши кузатилди. Поянинг устки қисми диаметри 0,3 см, ўрта қисми 0,6 см ва остки қисми 0,8 см га тенглиги аниқланди. *Capparis rosanoviana* тури пояси ва ён новдалари оч яшил рангда, қаттиқ бўлиши кузатилди. Ўсимликнинг пояси юқори қисмигача ингичкалашиб боради. Поянинг юқори қисми диаметри 0,2-0,3 см, ўрта қисми 0,5 см, остки қисми эса 0,7 см гача бўлади. *Capparis spinosa* тури поясининг энг остки бўғим оралиғи 4-5 см узунликда бўлади. Табиий шароитда ўсувчи *Capparis rosanoviana* тури бўғимига қараганда *Capparis spinosa* турини поясининг 4-5 бўғимлари оралиғи қисқа бўлиб, у 2-3 см. ни ташкил этиши кузатилди.

Capparis rosanoviana ўрта ярусда жойлашган барги адоксиал томонидаги эпидерма хужайралари йирик хужайрали овалсимон шаклли бўлиб, абоксиал хужайралари майда хужайрали думалоқ шаклда. Барг мезофилли дорзовентрал икки қатор устунсимон ва 3-4 қатор булутсимон хужайралар билан қопланган. Ўрта боғлам йўғон, шишган. Унинг марказидаги 3 та катта ва 5 та кичик ўтказувчи боғламлар ҳар томонда жойлашган. 40-50 та ўтказувчи найлар тўплами радиал занжирлар шаклида жойлашган. Флоэма тўплами кенг, эпидерма остида медиан тўпламлар бўлиб, унда 6-8 қатор колленхималар хужайраси учрайди. Баргнинг мезофил қисмида ён тўпламлар кичик, уларда 3-5та кичик ўтказувчи найлар мавжуд. *Capparis rosanoviana* тури барги кучли мезофиллашган, асосий хужайра боғламлари устида абоксиал томондаги паренхима хужайраларида йирик ажратма каналлар мавжуд бўлиб, улар эпителиал хужайралар билан қопланган. *Capparis rosanoviana* турида ажратма каналлар *Capparis spinosa* турига қараганда қўпроқ ва йирикроқ.

Кавар ўсимлиги поя ва илдиз қисмларининг цитологик таҳлилларига кўра у фотосинтез орқали атмосферадаги CO₂ (карбонат ангидрид) ни ўзлаштириши ва ўзидан кислород ажратиб чиқиши билан бир қаторда уларнинг илдиз тизимлари 8-10 метр чуқурликка бориб етиши ҳисобига тупроқдаги сувда эриган турли минерал элементларни жумладан, N, K, Ca, P, S, I. каби элементларни хужайрани танлаб ўтказувчанлик хусусиятига кўра тўпланиши кузатилди. Олиб борилган биохимик таҳлилларга кўра ўсимликнинг поя ва мевалари таркибида, углеводлар, уруғида ёғлар, оксиллар, гликозидлар, органик кислоталар шунингдек, турли минерал моддалар мавжудлиги аниқланди.

Шу бобнинг “Кавар ўсимлигининг уруғларини экишга тайёрлаш ва ўсиб ривожланишига ўстирувчи моддаларнинг мақбул таъсир этувчи меъёрларини аниқлаш” деб номланган иккинчи бўлимида Кавар (*Capparis spinosa*) ўсимлигининг биологик ва физиологик хусусиятидан келиб чиқиб уни дашт ва сув таъминоти йўқ ерларда ҳам ўстириш мумкинлиги аниқланди.

Фойдаланилган ИМК, ИУК, Рутсупер ўстирувчи моддаларини 25-50 мг/л меъёрлари билан уруғлар унувчанлик даражасининг пастлиги уруғларнинг қаттиқ хитин қоплами билан қопланганлиги ва ундаги мой эрувчанлигининг пассивлиги билан изоҳланади.

Қўлланилган ўстирувчи моддаларининг меъёрларини 100 мг/л оширилиши ҳисобига уруғлардаги хитин қаватини юмшаши ва сувни ўзига қабул қилиши активлашиши ҳисобига уларни унувчанлик даражаси 80-86 % га ортиши ёки назоратга нисбатан 50-55 % га ортиши кузатилди (2-жадвалга қarang).

Тажриба натижаларига кўра, белгиланган вақт оралиғида уруғларни унувчанлик даражаси назорат вариантыда 24 соат ишланганда 10%, 72 соат ишланганда 30% гача униб чиқиши аниқланди (2-жадвалга қarang).

Кавар ўсимлик уруғларини экишга тайёрлаш бўйича олиб борилган тажрибалардан кўриниб турибдики, уруғларнинг физиологик ва кимёвий хусусиятларига кўра уларнинг унувчанлигини ошириш учун қўлланиладиган

Ўстирувчи моддалар ва уларни меъёрлари назорат вариантыга нисбатан 13-50% гача унувчанлик даражасини ошириши аниқланди. Уруғларни ўстирувчи моддалар меъёрлари билан тўйинтириш муддати 72 соатгача давом эттирилиши, уруғларнинг унувчанлик даражасини ошириши ва унинг таркибидаги ёғларнинг эрувчанлигини ошириш ҳисобига хужайрани сувга тўлиқ тўйинтирилиши билан изоҳланди.

2-жадвал

Ўстирувчи модда меъёрларининг кавар уруғлари унувчанлигига таъсири (2019-2021 йй.).

| Вариантлар | Ўстирувчи моддалар билан тўйинтирилган уруғларни стирификация қилиш вақти ва унувчанлиги | | | | | | Назоратга нисбатан униб чиқиш фарқи, ± |
|-------------------------------|--|-----------------|------|-----------------|------|-----------------|--|
| | соат | унув-чанлиги, % | соат | унув-чанлиги, % | соат | унув-чанлиги, % | |
| Оддий сув билан тўйинтирилган | 24 | 10±5 | 48 | 20±5 | 72 | 30±5 | - |
| ИМК 25мг/л | 24 | 38±3 | 48 | 45±3 | 72 | 50±3 | +20 |
| ИМК 50 мг/л | 24 | 50±5 | 48 | 55±5 | 72 | 70±5 | +40 |
| ИМК 100 мг/л | 24 | 60±5 | 48 | 75±5 | 72 | 85±5 | +55 |
| ИУК 25мг/л | 24 | 33±3 | 48 | 38±3 | 72 | 43±3 | +13 |
| ИУК 50 мг/л | 24 | 37±2 | 48 | 48± | 72 | 58±2 | +28 |
| ИУК 100 мг/л | 24 | 45±5 | 48 | 65±5 | 72 | 75±5 | +45 |
| Рутсупер 25мг/л | 24 | 35±5 | 48 | 45±5 | 72 | 58±5 | +28 |
| Рутсупер 50 мг/л | 24 | 40±5 | 48 | 53±5 | 72 | 65±5 | +35 |
| Рутсупер 100 мг/л | 24 | 48±5 | 48 | 65±5 | 72 | 83±5 | +53 |

Тадқиқот натижаларига кўра, ўстирувчи модда турларини ва меъёрлари даражаси қанча юқори бўлса, уруғларнинг униш даражаси ва ўсимлик ер остки ва ер устки қисмларининг фаол ривожланиб, ҳосилдорлигини оширишини таъминлашда муҳим омил эканлиги аниқланди.

Ўстирувчи моддаларни кавар ўсимлигининг ўсиб ривожланиши ва ҳосилдорлиги ўрганилган тадқиқот натижаларига кўра, назорат вариантда 10,6-11,6 минг туп кўчатлар мавжуд бўлиб, бир туп ўсимликда 7-8 донадан барра мева, уларни ўртача оғирлиги 10-11 грамм, ўртача ҳосилдорлик 9,3 т/га ни ташкил этди.


Ушбу тадқиқот натижаларига кўра, ИМК ўстирувчи моддаси уруғларнинг унувчанлигини ошириши билан бир қаторда кавар экилган майдонларда кўчатлар сонининг тўлиқлигини ҳамда умумий ҳосилни 3,0-8,4 т/га ёки 36-102 % гача ортганлиги исботланди. Тадқиқотда қўлланилган

бошқа ўстирувчи моддалар меъёрларида ҳам назоратга нисбатан ҳосилдорлик кўрсаткичлари ИУК ўстирувчи моддасининг 100 мг/л меъёри билан ишланган вариантларда +85,4%, Ретсупер ўстирувчи моддасининг 100 мг/л меъёри билан ишланган вариантларда эса +92,6% га юқори эканлиги кузатилди.

Олинган тадқиқот натижаларини Б.А.Доспехов, Г.Ф.Лакин услубларида статистик таҳлил қилинганда, вариантлар бўйича олинган техник етилган меваларнинг ҳосилдорлигига нисбатан ($ЭКФ_{05}$) энг кичик фарқи 3,5 т/га ташкил этиб, назорат вариант билан бир хилда, яъни ИМК, ИУК, Ретсупер ўстирувчи моддаларини 25 мг/л энг кам фарқдан кичик бўлганлигини кўрсатди. Унинг корреляция қиймати 0,99 га тенг эканлиги исботланди. Қолган вариантлар эса назорат вариантыдан юқори эканлиги маълум бўлди.

“Кавар ўсимлиги ғунча ва меваларини кимёвий таркиби ва қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш” номли IV бобининг 4,1 бўлими **“Кавар ўсимлиги ғунчаси ва меваларининг кимёвий таркибини ва етилиш босқичларини тадқиқ қилиш”** деб номланиб, унда ўсимликнинг кимёвий таркиблари ва қайта ишлаб, маринадли консерва олишда керак бўладиган кўрсаткичлари таҳлил этилган.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига асосан биологик етилган меванинг аллометрик кўрсаткичи 10,9 га тенг бўлиб, индексация даражаси 0,56 техник-биологик етилган мевани аллометрик кўрсаткичи 9,1 га тенг бўлиб, индексация даражаси 0,67 ва техник етилган мевасини аллометрия кўрсаткичи 3,7 бўлиб, индексация даражаси 0,88 тенглиги аниқланди. Индексация даражасига кўра меванинг аллометрик кўрсаткичи қанча катта бўлса, маринадланган консерва маҳсулоти сифат кўрсаткичи ва индексация даражаси ҳам шунча паст, аксинча аллометрик кўрсаткичи қанча кичик бўлса, маҳсулотни сифат кўрсаткичи ва индексация даражаси шунча юқори бўлиши аниқланди (1-расмга қаранг).



1-расм. Кавар (*Сарпарис spinosa*) мевасининг биометрик кўрсаткичлари.

Меванинг кимёвий таркибини аниқлашда мевалар майдаланди ва илик сувда эритилди. Тайёр аралашма филтрланиб, ундан асосий кимёвий моддаларни аниқлаш учун фойдаланилди (3-жадвалга қаранг).

Лаборатория таҳлилларига кўра биологик етилган мева таркибида ўртача 11,3% гача умумий углеводлар бўлиб, шундан 7,0% фуруктоза ва 4,3% сахароза, умумий кислота миқдори 4,6 мг% бўлиб, шундан аскорбин кислота 3,5 ва шавел кислотаси 1,1 мг% га; техник-биологик етилган мева таркибида умумий углеводлар миқдори 5,7% бўлиб, шундан фруктоза 3,1%, сахароза миқдори эса 2,6 % га тенг бўлиб, унинг таркибидаги кислота миқдори 4,7 мг% га; техник етилган вариантдаги мева таркибида умумий углевод миқдори назорат вариантга нисбатан 6,6% га камлиги ва умумий кислота эса назоратга нисбатан 0,1 мг % га ортиқ бўлиб эканлиги аниқланди.

3-жадвал

Кавар (*Capparis spinosa*) мевасини физиологик етилиш босқичлардаги кимёвий таркиби

| Етилиш босқичи | Умумий углевод миқдори, % | | | Умумий кислота миқдори, мг% | | | Меванинг ширинлик даражаси, балл | Назоратга нисбатан фарқи,± |
|---------------------------------|---------------------------|------------|----------------|-----------------------------|---------------|------------------------|----------------------------------|----------------------------|
| | фруктоза | сахароза | Умумий углевод | аскарбин кислота | шовул кислота | Умумий органик кислота | | |
| Биологик етилган мева (назорат) | 8 | 6 | 14 | 3.6 | 1.0 | 4.6 | 3.0 | |
| | 7 | 4 | 11 | 3.5 | 1.1 | 4.6 | 2.4 | |
| | 6.0 | 3.0 | 9 | 3.5 | 1.1 | 4.6 | 1.96 | |
| Ўртача кўрсаткичи | 7.0 | 4.3 | 11.3 | 3.5 | 1.1 | 4.6 | 2.4 | - |
| Техник-биологик етилган мева | 3 | 2.4 | 5.4 | 3.6 | 1.1 | 4.7 | 1.1 | |
| | 3.2 | 3.3 | 6.5 | 3.5 | 1.2 | 4.7 | 1.4 | |
| | 3.0 | 2.2 | 5.2 | 3.5 | 1.2 | 4.7 | 1.1 | |
| Ўртача кўрсаткичи | 3.1 | 2.6 | 5.7 | 3.6 | 1.1 | 4.7 | 1.2 | -1.2 |
| Техник етилган мева | 2.0 | 2.1 | 4.1 | 3.6 | 1.1 | 4.7 | 0.9 | |
| | 3.0 | 2.2 | 5.2 | 3.5 | 1.2 | 4.7 | 1.1 | |
| | 2.5 | 2.3 | 4.8 | 3.6 | 1.1 | 4.7 | 1.0 | |
| Ўртача кўрсаткичи | 2.5 | 2.3 | 4.8 | 3.6 | 1.1 | 4.7 | 1.0 | -1.4 |

Ишлаб чиқилган технологик схема бўйича маҳсулот тайёрлаш кўйидаги жараёнларни ўз ичига олади.

Кавар ғунчаларининг таъм сифатини яхшилаш устида олиб борилган тажриба натижаларига кўра, ош тузининг 1% ли эритмасида бир сутка давомида ишланганда маҳсулот таркибида аччиқ таъм ўзгармади. Худди шундай жараён ош тузининг 7% эритмаси билан тўрт кун ишланганда ҳам ўзгаришсиз қолди. Ош тузи эритмасини 8% ли эритмасида тўрт кун ҳамда 9% ли эритмада беш кун сақланган вариантлардан бошлаб маҳсулот таркибидаги аччиқ таъм камайиши аниқланди. 10% ли эритмада беш кун сақланган тажриба вариантыда эса аччиқ таъм деярли сезилмайди. Қолган тажриба вариантларида ош тузининг 11-16% гачалик эритмаларида 6-9 кун сақланганда ҳам маҳсулот таркибидаги аччиқ таъм сезилмаслиги аниқланди.

Кавар ғунчалари таркибидаги аччиқ таъмни камайтириш устида олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра маҳсулотни ош тузининг 10-15 % ли эритмасида 5-6 кун сақланганда маҳсулот сифат кўрсаткичлари яхшиланиб ўзига хос таъмга эга бўлиши кузатилди (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал.

Тайёр маҳсулотни аччиқ таъмдан тозалашнинг оптимал шароитларини аниқлаш жадвали. (Органолептик усул)

| Намунанинг № | Ош тузи эритмаси % | Қайта ишлаш давомийлиги, сутка | Органолептик кўрсаткич (аччиқ таъм) |
|--------------|--------------------|--------------------------------|-------------------------------------|
| 1-7 | 1-7 | 1-4 | Мавжуд |
| 8 | 8 | 4 | Аччиқ таъм озайиши |
| 9 | 9 | 5 | Аччиқ таъм оз миқдорда |
| 10 | 10 | 5 | Деярли сезилмайди |
| 11-16 | 11-16 | 6-9 | Сезилмайди |

Идишнинг ўлчами ва сифмига қараб стерилизация вақти 5–15 дақиқа давом эттирилади. Тайёр маҳсулотлар хона ҳароратида бир ҳафта давомида синаш учун сақланади.

5-жадвал.

Маринадли консерва тайёрлашнинг иқтисодий самарадорлиги минг сўм (2019-2021 й.).

| Маҳсулот тури | Олинган маҳсулот, т | Умумий харажат, млн. сўм | Маҳсулотни | | Ялпи даромад, млн. сўм | Соф даромад, млн. сўм | Зарар, | Рентабеллик, % |
|--------------------------------|---------------------|--------------------------|------------------|----------------------|------------------------|-----------------------|--------|----------------|
| | | | Таннархи, кг/сўм | Сотиш баҳоси, кг/сўм | | | | |
| Ғунчасидан тайёрланган маринад | 1,0 | 34,3 | 34300.0 | 50000.0 | 50.0 | 15.7 | - | 45.7 |
| Мевасидан тайёрланган маринад | 1,0 | 18,5 | 18500.0 | 30000.0 | 30.0 | 11.5 | - | 62.1 |

Бу кўрсаткичлар мевасидан тайёрланган маҳсулотда қуйидагича бўлиб; маҳсулот хариди учун 8,0; қадоқлаш ва ёрликлар учун 7,0; электр энергияси учун 0,5; иш ҳақи учун 0,5 ва бошқа тур харажатлар учун 2,0 млн.сўм сарфланди, бевосита харажатларни умумий суммаси 18,5 млн. сўмни ташкил этди (5-жадвалга қаранг). Кавар мевасидан маринадли консерва тайёрлашда маҳсулотнинг таннархи 18,5 минг сўмни ташкил этди. Маҳсулотни сотиш баҳоси 30,0 минг сўм бўлиб, 30,0 млн. сўм ялпи даромад ва 11,5 млн. сўм соф даромад олишга эришилди. Корхонанинг рентабеллик даражаси 62,1% ни ташкил этди.

ХУЛОСА

2019-2021 йилларда кавар (*capparis spinosa*) ўсимлигини маданий ҳолда етиштириш ва маҳсулотларини қайта ишлаш технологиясини ишлаб

чиқиш бўйича олиб борилган илмий-амалий тадқиқотлар асосида қуйидагича хулосалар қилинди:

1. Кавар ўсимлиги уруғларининг экишга тайёрлаш учун ўстирувчи ИМК, ва ИУК ўстирувчи моддаларининг 50-100 мг/л меъёрларидан фойдаланиш уруғларнинг унувчанлигини 45-50% оширади.

2. Кўчат етиштириш учун уруғларни тувакчаларда етиштириш усулидан фойдаланиб экилган кўчатларнинг сақланувчанлиги 70% га оширади;

3. Кавар ўсимлик уруғларини очиқ майдонларга 90x40 схемаларда экиш ҳисобига 16-17 тоннагача ҳосил олиш таъминланади.

4. Кавар ўсимлигининг физиологик ва биологик хусусиятларидан келиб чиқиб ўсимликни маданий ҳолда етиштириш учун вегетация даврида бир маротаба 500-800 м³ миқдорида суғориш меъёрлари ҳисобига 16-17 тоннагача товарбоп маҳсулотлар етиштиришга эришилади.

5. Ўсимликни товарбоплик хусусиятларини ошириш учун уларни симбуғозларга тараш усуллари ёрдамида 85-92% гача товарбоп маҳсулотлар етиштирилиши мумкин.

6. Бир гектар майдондан кавар ўсимлигини маданий ҳолда етиштиришдан фермер хўжалиги ғунча етиштирилганда 1,2 млн/сўм, мева етиштирилганда эса 15,0 млн/сўм гача соф фойда олиши ва 14,8% ва 22,1% рентабелликка эришади.

7. Кавар ўсимлигини маданий ҳолда етиштиришда табиий ҳолда ўстиришга нисбатан маҳсулот таркибидаги рутин, витамин С, гликозидлар ҳамда йод миқдорлари 0.2-0.6% гача кўп бўлиши аниқланди.

8. Кавар (*Capparis spinosa*) ғунчасидан “nonparilis” (олий навли) сифатга эга бўлган маринадланган консерва маҳсулоти тайёрлаш учун 10-15% ли тузли эритмадан фойдаланиш маҳсулот сифатини оширади.

9. Кавар мевасидан маринадланган консерва тайёрлаш учун 25 минут давомида 80⁰С ҳароратда термик ишлов бериш яхши самара беради.

10. Қайта ишлаш саноат корхоналарида кавар ўсимлигининг ғунча ва меваларидан маринадланган консерва маҳсулоти тайёрлашда 1 тонна маҳсулотдан 11,5-15,7 млн/сўм соф даромад олишга эришилади.

Кавар ўсимлигини етиштирувчи хўжаликлар ва қайта ишлаш корхоналари учун қуйидагилар тавсия этилади:

- Кавар ўсимлик экинзорларини ташкил этиш учун уруғларни баҳорги ва кузги муддатларда экиш;

- Кавар ўсимлиги экинзорларини ташкил этиш учун *capparis spinosa* турининг элита уруғларидан фойдаланиш;

- Кавар ўсимлигининг техник етилган мева ва ғунчаларидан янги тур маринадланган маҳсулот тайёрлаш ҳисобига саноатнинг экспорт салоҳиятини оширишда фойдаланиш;

- Кавар ўсимлиги ғунча ва техник етилган меваларидан маринадланган консерва маҳсулоти тайёрлаш учун Ts 184 19305-001:2021 стандартидан фойдаланиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.QX. 13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

АБДУЛЛАЕВ ЗОКИР ИКРОМЖОНОВИЧ

**КУЛЬТИВИРОВАНИЕ РАСТЕНИЙ КАПЕРСЫ (*CAPPARIS SPINOSA*)
И РАЗРАБОТКИ ТЕХНОЛОГИИ ПО ПЕРЕРАБОТКЕ ПРОДУКЦИЙ**

06.01.06 – Овощеводство

06.01.11 – Хранение и переработка сельскохозяйственных продуктов

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКИ**

Ташкент-2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2022.2. PhD/Qx 412.

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте.
Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Асатов Шухрат Исмаатович,
Доктор сельскохозяйственных наук, профессор.

Официальные оппоненты: Эгамбердиев Нуман Бобоевич,
Доктор технических наук, профессор.
Хуррамов Улугбек Холмаматович,
Доктор философии (PhD) сельскохозяйственных наук, доцент.

Ведущая организация: Научно-исследовательский институт
Овощебахчевых культур и картофеля.

Защита диссертации состоится 10 февраля 2023 года, в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.05/28.08.2022.Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100164, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tgau@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрировано под номером 547502). (Адрес: 100164, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан 28.01. 2023 года.
(реестр протокола рассылки № 12 от 16 декабря 2022 года).



Т. Бердиев,
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.с.х.н., профессор.

М.З. Холмуротов,
Первый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.ф.с.х.н., (PhD), доцент.

С.А. Юнусов,
Председатель научного семинара
при научном совете по
присуждению учёных степеней,
д.с.х.н., профессор.

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD)).

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время дикие виды Каперса (*Capparis spinosa* L.) на больших площадях культурные сорта возделываются во Франции, Испании, Италии, Китае, Турции, Иране, Грузии, Азербайджане, Соединенных Штатах Америки, Мексике, Аргентине, Марокко и Египте, готовят соленые консервы. «Производство каперсов в мире составляет в среднем 15-20 тысяч тонн в год, переработка и консервирование из плодов производятся более чем в 60 странах мира. В 2020-2021 годах виды и сорта каперсов выращиваются как овощная культура на 5000 га по всему миру, а их средняя урожайность составляет 30-40 ц/га, и признано, что Китай экспортирует эту растительную продукцию в различные страны мира на 865,7 млн долларов».¹ По этой причине актуально научное обоснование технологии создания насаждений каперсов и их переработки.

Исследования по изучению агробиологических свойств и повышению продуктивности семян каперса, в мире разработано множество работ в области возделывания. В этих исследованиях для обработки бутонов и плодов использовались высокие дозы уксусной кислоты, а для улучшения прорастания семян применялись различные минеральные кислоты. Ряд достижений достигнут учеными Ирана, Аргентины, Туниса, Марокко, Италии в части создания культурных насаждений и переработки их продукции. В частности, научно обоснован ряд методов, таких как солённый продукт из бутонов и плодов, технология приготовления кондитерских изделий, обработка семян различными нормами азотной и серной кислот.

В настоящее время каперс (*Capparis spinosa* L.) в диком виде произрастает практически во всех регионах нашей республики. Бутоны этого растения экспортируются частными предпринимателями в виде полуфабрикатов в зарубежные страны, в основном в Турцию. Технологии возделывания насаждений этого растения и приготовления из его продуктов различных консервов на научной основе мало изучены. В связи с этим развитие сельского хозяйства на основе инновационных технологий с целью разработки новых видов продукции в промышленности и направления их на экспорт согласно Указом Президента Республики Узбекистан от 28.01.2022 г. № УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы» поставлен ряд приоритетных задач, «таких как доведение ежегодного роста сельского хозяйства не менее чем до 5%, выращивание экспортной продукции и развитие плодоовощеводства, дальнейшее развитие экспортного потенциала отечественных отраслей промышленности при полном использовании имеющихся возможностей»². Одним из важных процессов в обеспечении реализации вышеуказанной задачи является выполнение ряда приоритетных задач, таких как культурное возделывание каперсов, увеличение экспортных мощностей промышленных предприятий за счет

¹ <https://www.tridge.com/intelligences/caper/export>

² Указ Президента Республики Узбекистан, от 28.01.2022 г. № УП-60 О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы

приготовления консервированной продукции из бутонов и технических плодов.

На основании Решений и Указов, принятых Президентом Республики Узбекистан №УП-139 от 20 мая 2022 года «О мерах по созданию цепочки добавленной стоимости посредством эффективного использования сырьевой базы и поддержки переработки лекарственных растений», №ПП-20 от 23 ноября 2021 года «О мерах по развитию семейного предпринимательства в плодоовощеводстве и виноградарстве, увеличению доли дехканских хозяйств в сельскохозяйственном производстве», №ПП-251 от 20 мая 2022 года «О мерах по организации культурного выращивания, переработки и широкого использования лекарственных растений в лечении», №ПП-4668 от 10 апреля 2020 года «О дополнительных мерах по развитию народной медицины в Республике Узбекистан», и других нормативных правовых документах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

